



## ҲАЁТ СУГУРТАСИ: ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛАР УЧУН АҲАМИЯТИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Қўлдошев Қамариддин Мансурович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Молия бозори ва сугурта иши" кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

email: [KuldashevKM@gmail.com](mailto:KuldashevKM@gmail.com)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 7

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss7/a2](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a2)

### ABSTRACT

Мазкур маколада ҳаёт сугуртасининг мөхияти ва ўзига хоре ҳусусиятлари, унинг давлатининг ўз фуқаролари олдидағи ижтимоий ҳимоя борасидаги мајсбурягларини баъжаршидаги ўрни очиб берилган. Ушбу сугуртанинг Ўзбекистонда бугунги кундаги ривожланшиши билан боғлиқ муаммолар кўрсатиб берилган ва уларни бартараф этиши ва шу асосда ҳаёт сугуртасини ривожлантиришга эришишига қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

### KEYWORDS

Сугурта, ҳаёт сугуртаси, инсон ҳаёти, меҳнат қобилияти, солиқ имтиёзи, ижтимоий ҳимоя, мулкий манфаат, жамгариб бориладиган ҳаёт сугуртаси.

### Кириш (Введение. Introduction.)

Ҳаёт сугуртаси жамгариш воситаси ва бир вактнинг ўзида инсонларнинг ҳаёти давомида уларни шахсий ёки оила бюджетининг номутаносиблигига ва турмуш даражасининг пасайшига олиб келадиган, ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилияти билан боғлиқ турли ҳодисалар юз берганда моддий таъминлашнинг комплекс тизимини яратиш орқали молиявий ва ижтимоий ҳимоялашга, шу билан бирга, инсон ҳаётида юз берадиган баҳтли ҳодисалар билан боғлиқ молиявий эҳтиёжини (никоҳга киришиш, фарзанд түғилиши, фарзанднинг вояга етиши, олий таълим мұассасасига ўқишига қабул килиниши ва шу кабилар) қондиришга йўналтирилган фаолият тури хисобланади. Ҳаёт сугуртасининг жамгариб бориладиган тури рискнинг шахсий сугурта бўлиб, бу сугурта ёрдамида сугурталанувчи ўзининг молиявий аҳволини янада яхшилаш учун кўшимча даромадга бўлган эҳтиёжини қондиради.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (анализ использованной литературы. Literature review).** Иқтисодиёт фанлари доктори О.Юлдашев ҳаёт сугуртасининг аҳоли манфаатларига хизмат қилиши ва ушбу сугурта тармогининг жаҳон сугурта бозоридаги хиссаси тўғрисида қўйидаги фикрларни билдиради: Ҳаёт сугуртаси бутун дунёда ахолининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий режалаштиришнинг асосий механизмларидан бири сифатида хизмат килади[1]. Жаҳон сугурта бозорида 2022 йилда йигилган сугурта мукофотлари 6 782,2 млрд. долларни ташкил этиб, шундан 42,0 фоизи ҳаёт сугуртаси тармогига тўғри келади [2]. Колаверса, ҳаёт сугурталовчиларнинг инвестиция портфели жаҳон ЯИМнинг асосий кисмини ташкил этади. Шу жihatдан, ҳаёт сугурталовчилар энг йиррик институционал инвесторлар каторига киради [1]. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Д.Баратова томонидан амалга оширилган тадқикотда келтирилишича "Жамгариб бориладиган ҳаёт сугуртаси мамлакат иқтисодиёти ва унинг фуқаролари учун мухим роль ўйнайди, чунки ушбу сугурта орқали инсон ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилияти билан боғлиқ турли кутилмаган ҳодисалар юз бериши натижасида оила иқтисодига етказиладиган зарарларни ўз вактида коплаш амалга оширилади. Мамлакат иқтисодиёти учун эса ҳаётни

узоқ муддатга сугурталовчи сугурта компаниялари томонидан узоқ муддатга мўлжалланган катта ҳажмдаги инвестиция маблаглари йўналтирилади”[3]. Ҳаёт сугуртаси С.В.Ермасов ва Н.Б.Ермасовлар томонидан ўзига хос тарзда куйидагича талкин килинган: “Ҳаёт сугуртаси инсонлар ҳаёт фаолиятининг сугуртавий ҳимоясини амалга ошириш бўйича сугурта муносабатларининг алоҳида омонат жамгариш туридир, бунда сугурталанувчи сугурта ҳодисалари бўйича сугурта суммаларини олиш учун сугурта мукофотларини тўлаш орқали ўзининг фаровонлик даражасини таъминлаш ва уни жамгариш схемалари бўйича инвестициялар орқали янада ошириш вазифасини амалга оширади, сугурталовчи эса, сугурта мукофотларини сугурта заҳираларига тўплаш ва уларни турли баркарор ва ликвиди активларга жойлаштириш орқали ўзининг сугурта бизнесини узоқ муддатли молиявий баркарорлиги ва рентабеллигини, бир вактнинг ўзида, мамлакат тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий баркарорлигини таъминлайди”[4]. А.К.Шихов ҳаёт сугуртасига нисбатан ўз муносабатини куйидагича билдирган: “Ҳаёт сугуртаси сугурталанувчилар томонидан тўланган сугурта мукофотлари (бадал) ва сугурта заҳираларини инвестиция килишдан олинган фойда хисобидан сугурталовчи томонидан максадли сугурта фондини шакллантириш ва ундан сугурта шартномасида белгиланган сугурта ҳодисалари юз берганда сугурталанувчи (наф олувчи) ларга сугурта суммаларини тўлаш учун фойдаланишга қаратилган кайта тақсимлаш муносабатлари тизимирид”[5]. О.Юлдашевнинг фикрига кўра, Ҳаёт ҳисобланади. Ушбу вазифани мұваффакиятли амалга ошириш учун сугурта бозорини тартибга колективларни оғизлайдиган ҳимоя килинишини қафолатлайдиган турли усуллардан фойдаланилади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасида кўлланилаётган шундай усуллардан бири, сугурталовчилар тўловга қобилиятсиз (банкрот) бўлган ҳолатда уларнинг сугурта тўловларини қафолатлайдиган тизимни

яратишидир[6]. АЖ “UzLife” сугурта компанияси бош директори Б.А.Абиркуловнинг фикрига кўра, хозирги кунда хаётни сугурталаш нафакат баҳтсиз ҳодиса, ўлим ёки маълум муддатда тирик қолганда моддий таъминот билан боғлиқ мулкий манфаатларни химоя килиш усули, балки жисмоний шахслар учун узок муддатли молиявий режалаштириш хамда уларни амалга ошириш воситасидир. Шунингдек зарур химоя даражасини ва чекланмаган даромад олиш имкониятини оптимал тарзда бирлаштирган инвестиция фаолияти хамдидир[7].

**Тадқикот массади ва усуслари (Методология и исследования Research Methodology).** Мазкур тадқикотни амалга ошириш жараёнида эмпирик, статистик ва таққослама тадқикот усусларидан фойдаланилди.

**Тахлил ва натижалар (Анализ и результаты. Analysis and results).**

Хаёт сугуртаси давлатга нима беради? Хаёт сугуртаси узок муддатлилк хусусиятига эга бўлиб, ушбу сугурта ахолининг катта кисмини қамраб олган ҳолатда, унинг воситасида катта ҳажмда ва узок муддатли пул маблаглари тўпланди ва уларни иктисодиётнинг турли соҳаларига узок муддатли инвестиция сифатида йўналтириш имконияти юзага келади. Иккинчидан, хаёт сугуртаси ижтимоий химоя хусусиятига эга бўлиб, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий химоясини амалга ошириш функциясини бажарища ушбу сугуртадан фойдаланади. Масалан, чет эл тажрибасида ахолининг кам таъминланган ва чекка худудларида катламлари учун алоҳида микросугурта лойихалари ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу лойихалар орқали давлат уларни турли баҳтсиз ҳодисалар натижасида кўрган заرارларини сугурта воситасида коплаш, оила ўз бокувчинини йўқотганда моддий таъминлаш, ижтимоий шароитларни яхшилаш тадбирларини амалга оширади. Бунинг учун уларни ёппасига сугурталаган ҳолда сугурта мукофотларни давлат маблаглари хисобидан тўлаб беради.

Микросугурта – Бангладешлик Нобел мукофоти совриндори, банкир ва иктисадчи Мухаммад Юнус томонидан ишлаб чиқилган микромолиялаштириш лойихалари натижаси бўлиб, Осиё ва Африкадаги миллионлаб кам таъминланган шахсларга бизнес очиши ва ўй сотиги олишга ёрдам берди. American International Group Inc. (AIG) 1997 йилда Угандада микросугуртани таклиф килган биринчи компаниялардан бири бўлиб, мазкур сугурта хизматларни бўйича полисларни сотишни бошлади. Тез орада унга Swiss Re, Munich Re, Allianz va Zurich Financial Services каби бошка йирик сугурта ва кайта сугурта компаниялари хам кўшилди. Бугунги кунда кам таъминланган ахолини молиявий ўйқотишлар таъсиридан химоя килиш массадида кўплаб инновацион микросугурта маҳсулотлари ишлаб чиқилган ва амалда кўлланилмоқда.

Молиявий ҳолат ҳамманинг кун тартибидаги асосий мавзу. Иктисадий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилоти (OECD) томонидан 2017 йилда олиб борилган тадқикотлар ривожланаётган мамлакатларда катта сугурта бўшлиги борлигини кўрсатди. Даромад даражаси паст бўлган ахоли катламлари анъанавий сугурта маҳсулотларини сотиги олиш имкониятига эга эмаслиги ва бу уларнинг кўп турдаги рисклардан химояланмай қолишига сабаб бўлмоқда. Илгари сугуртадан фойдаланиш бойлар учундек кўринган бўлса, турли ишчи гурухлар заиф катламга сугурта зарурат эканлигини ва унга кириш барча учун таъминланиши кераклигини тушунитириш учун ўқитиш йўлида қаттиқ ишламоқда. Микросугурта ушбу тенгизликини ўйқотишга қаратилган воситадир.

Микросугурта чекка худудлардаги ва кам таъминланган кўп сонли ахоли катламлари учун кичик сугурта мукофотлари эвазига уларнинг хаёти ва бизнес фаолиятида тез-тез учрайдиган ва уларнинг юз берини мазкур ахолининг янада кашшоқлашувига олиб келадиган рискларни сугурта орқали бошқаришга қаратилган. Шундан келиб чиқкан ҳолатда давлат ўз фуқароларининг ижтимоий химоясини таъминлаш массадида сугурта мукофотларини давлат марказлашган ва маҳаллий маблаглар хисобидан тўлаб бериш орқали ахолининг маълум қатламларини ёппасига сугурталашга эришиди. Бу эса сугурталовчилар учун хам яхши имконият яратилишига олиб келади.

Хаёт сугуртаси – узок муддатли инвестиция килишнинг энг кулий ва энг ишончли усусларидан бири бўлиб, Фарбий Европа, АҚШ, Сингапур ва Японияда унинг улуши жами сугурта бозорининг

60-70 фоизини ташкил этади ва ахолининг кариб 90 фоизи жамгариб бориладиган сугурта полисларига эга. АҚШда мазкур сугурта тури бўйича сугурта мукофотлари киши бошига ўртacha 700 АҚШ долларини ташкил этиб, дунё бўйича ушбу кўрсаткичининг ўртacha микдори 400 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Sandeep Chaudhary ва Jasneet Kaurларнинг фикрига кўра, мижозлар – хаётни сугурталаш бизнесида асосий таянч ҳисобланшини хамда ҳар қандай компания юкори фойда олиш массадида янги мижозларни жалқ килишга ва амалдаги мижозлани сақлаб колишига ҳаракат қиласиди[8]. Уларнинг фикрига кўра, ривожланган хорижий мамлакатлар билан таққослаганда, Хиндистоннинг ҳаётни сугурталаш саноати мижозларининг сугурта билван етарли даражада таниш эмаслиги истеъмолчиларга яхши хизмат кўрсатилмаслиги ва мижознинг дидига мос сугурта маҳсулотининг мавжуд эмаслиги боис уччалик катта ютукка эришмаган.

Ўзбекистонда хаёт сугуртаси мустакиллик йилларида қандай шаклланди ва бугунги кунда у қандай ҳолатда? 2003 йил декабрда хаёт сугуртасига ихтисослашган биринчи сугурта компанияси – “Ўзбекинвест хаёт” шўъба компанияси ташкил этилди. 2009 йилга келиб яна битта хаёт сугуртасига ихтисослашган сугурта компанияси – Alfa Life ташкил этилди. Ундан кейинги йиллар давомида хаёт сугуртасига ихтисослашган сугурта компаниялари сони кўпайиб, 2019 йилда 8 тага этид. Натижада Ўзбекистонда жами сугурта хизматларига нисбатан хаёт сугуртасининг хиссаси 2022 йил натижаларни бўйича 25,4 % ни ташкил этид[9]. 2011 йилда ушбу кўрсаткич 1,8 % ни ташкил этиб, ушбу тармокда фаолият кўрсатган сугурта компаниялари 2 та эди[10]. Аммо 2023 йил натижалари бўйича хаёт сугуртасининг хиссаси кескин тушиб, 4 фоиз ташкил этид. 2011 йилда хаёт сугуртасига бўйича киши бошига тўғри келган сугурта мукофотлари 114 сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич 44025 сўмни ташкил этид. 11 йил ичиде сезиларни ўсиши юз берди. Аммо 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич ҳам кескин тушиб кетди. Бунинг сабаби нимада? Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига киритилган ўзгартиришга кўра, 2023 йил 1 апрелдан жисмоний шахсларнинг ҳаётини узок муддатга сугурталаш учун тўлаган сугурта мукофотлари бўйича даромад солиги имтиёзи бекор килинди[11].

Маълумки, ривожланган мамлакатларда ахоли даромадлари юкори даражада бўлиб, шу билан бирга ушбу мамлакатларда иктисадиётда инфляция даражаси жуда паст. Ушбу икки ҳолат хаёт сугуртасининг ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади. Шундай бўлсада ушбу мамлакатларда хаёт сугуртаси бўйича солик ва бошка имтиёзлар амал килмоқда. Натижада бу мамлакатлар сугурта бозорларида хаёт сугуртасининг хиссаси 50 фоиздан ортигни ташкил этмоқда. Чунки имтиёзлар тақдим этиш орқали хаёт сугуртасининг ривожлантиришдан давлатнинг манфаатдорлиги мавжуд, бу - давлатнинг ўз фуқароларини ижтимоий химоялашни ушбу сугурта орқали амалга ошириши хамда бир вактнинг ўзида ички инвестицион имкониятлардан самарали фойдаланишга эришишдан иборат. Мисол тарикасида: АҚШда киши бошига тўғри келаётган хаёт сугуртаси мукофотлари 700 АҚШ доллари тенг эканлигини ва ахолиси 328 млн. кишидан ортиклигини хисобга олганда:  $700 \times 328\ 000\ 000 = 229\ 600\ 000\ 000$  АҚШ доллари. Демак бир йилда хаёт сугуртаси соҳасида тўпландиган узок муддатли маблаглар салка 300 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу дегани шунча маблагни иктисадиёт соҳаларига инвестиция сифатида йўналтириш мумкин дегани. Агар Ўзбекистонда ахолининг 30 фоизи хаёт сугуртасига камраг бўлинса ва улар томонидан бир йилда ўртacha 100 АҚШ доллари сугурта учун тўланса:  $100 \times 10\ 800\ 000 (36\ 000\ 000 : 30 = 1\ 800\ 000)$  киши = 1 080 000 000 АҚШ доллари. Демак бир йилда ушбу сугурта хисобидан тўпландиган 1 миллиарддан ортик маблаг иктисадиёт соҳаларига инвестиция сифатида йўналтирилган бўлар эди.

Хаёт сугуртаси бўйича солик имтиёзининг бекор килинганлиги натижасида ихтисослашган 8 та сугурта компаниясининг 1 таси тутатилди. Колган 7 тасининг молиявий ахволи ночор ҳолатда. Хаёт сугуртасига ихтисослашган сугурта компаниялари учун амал килаётган фойда солигига ўрнатилган 50 фоизлик чегирма[12] 9 ойдан кейин, яни 2024 йилнинг охирида тугайди. Иш берувчи томонидан ўз ходимлари учун баҳтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт

сугурта қилиш ва тиббий сугуртга турлари бўйича тузилган сугурта шартномалари учун тўланган сугурта мукофотлари бўйича даромад солиги имтиёзи 2024 йилнинг охирида тугаси муносабати билан Президент қарорига ўзгартириш киритилган холда ушбу имтиёз 2027 йилнинг охиригача узайтирилди. Аммо ушбу саклаб колинган имтиёзлар хаёт сугуртасини саклаб колиш ва ривожланишини таъминлай олмайди. Шундан келиб чиккан холда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартағи 108 сон қарорида Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугуртасини хаёт сугуртасига иктисолашган сугурта компаниялари томонидан амалга ошириш тартибини белгилаш тартибларини ишлаб чиқиш масаласи белгиланди[13]. Аммо жавобгарлик билан боғлиқ сугурта турлари тегишли бўлган сугурта класслари умумий сугурта тармогига тегишли эканлигини эътиборга олганда, ушбу тадбир мавжуд сугурта конунчилигига мос келмаслигини эътиборга олиш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги 5265-сон қарорининг ўйларини сугуртасига бўйича давлат инфляцияга боғланган давлат кимматли қоғозларини муюмалага чиқариш масаласи белгиланган эди[13], аммо ушбу масала ҳозиргacha амалга ошгани ўйк. Мамлакат иктисолиётидаги инфляция даражасининг нисбатан юкори эканлиги ва хаёт сугуртасининг асосий даромади инвестицион фаoliyatiдан эканлигини эътиборга олганда, инфляцияяга боғланган давлат кимматли қоғозларини чиқариш ушбу соҳа учун мухим хисобланади.

**Хуласа (Заключение. Conclusion).** Мамлакатмизда хаёт сугуртасини саклаб колиш ва ривожланишига эришиш учун юкорида келтирилган чет эл тажрибалари ва мамлакатимиздаги хаёт сугуртасининг мавжуд холатидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хаёт сугуртасини ривожлантириши учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш ўзининг самарасини беради деб хисоблаймиз:

#### References:

- Юлдашев О. Ҳаёт сугуртасини ривожлантиришнинг Хитой тажрибаси. //”Ўзбекистон сугурта бозори”. Тошкент давлат иктисолиёт университетининг илмий-амалий электрон журнали, 2023 йил 4-сон. [Insurance.tsue.uz..](http://www.insurance.tsue.uz..)
- Swiss Re Sigma (2023), “World insurance: stirred, and not shaken”, Sigma No3/2023. URL: <https://www.swissre.com/dam/jcr:3fd9db6e-f497-43b3-9e69-2ba89e7a2c31/2023-09-zrh-23-13658-p1-sigma-3-wis-2023.pdf>
- Баратова Д. Ўзбекистонда жамғарби бориладиган хаёт сугуртасини ривожлантириш ўйлари. Иктисолиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасинан олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: ТДИУ -2020.
- Ермасов С.В. ва Ермасова Н.Б. Страхование: учебник. –М.: Высшее образование, 2008. -458 с.
- Шихов А.К. Страхование: учебное пособие –М.: Юнити-Дана, 2001. -322 с.
- Юлдашев О. Ҳаёт сугуртаси бўйича тўловларни кафолатлаш тизимини ташкил этиш принциплари. //Иктисолиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журналы. № 4, июл-август, 2020 йил.
- Абиркулов Б.А. Пенсия сугуртасининг назарий ва ташкилий асослари. //Молия ва банк иши.
- Sandeep Chaudhary, Jasneet Kaur, Consumer perception regarding life insurance policies: a factor analytical approach. <http://www.ijim.in/wp-content/uploads/2016/07/Vol-I-Issue-IV-30-40-paper-4-Sandeep-Choudhary-consumer-perception-regarding-life-insurance-policies-a-faktor-analytical-approach.pdf>.
- IMDA.UZ сайти маълумотлари.
- Молия вазирлиги қошидаги Сугурта назорати давлат инспекциясининг 2011 йил учун хисобот материаллари.
- Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси солик кодекси. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон қарори. Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.10.2021 й. 07/21/5265/0992-сон.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартағи №ПҚ-108 сон “Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида” қарори...

- фуқароларда ҳаёт сугуртасига бўлган ишончни таъминлаш максадида тўловларни кафолатлаш жамғармасини ташкил этиш;

- инфляцияга боғланган давлат кимматли қоғозларини эмиссия қилиш;

- сугурта компаниялари томонидан инфляцияга боғланган ҳаёт сугуртаси маҳсулотларини ишлаб чиқиш;

- бекор қилинган солик имтиёзини янгича талаблар асосида амалга киритиш;

- сугурта компаниялари учун амал килаётган фойда солигидан чегирма ва хўжалик субъектлари томонидан ўз ходимларини баҳтисиз ҳодисалардан сугурталаш ва тиббий сугурта бўйича белгиланган солик имтиёзларининг амал қилиш муддатини узоқ муддатга узайтириш;

- ҳаёт сугуртаси бўйича давлат-хусусий шерикчилиги асосида (сугурталанувчи учун сугурта мукофотини давлат маблағлари хисобидан тўлаб бериш) кам таъминланган ва чекка худудлардаги аҳоли катламлари учун микросугурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва ёппасига сугурталашни амалга ошириш;

- аҳоли ўргасида ҳаёт сугуртаси бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга кўйиш;

- сугурта компанияларининг аҳоли орасига кириб борган холда сугурта хизматларини таклиф этиш ва онлайн сотувларни йўлга кўйини.

Хуласа килиб айтганда, мамлакатимиз аҳолисининг 50 % дан ортиги ўрта табакага мансублиги, аҳолининг 50 % дан ортигини ёшлар ташкил этиши ва аҳоли турмуш даражасининг ортиб бораётганинги эътиборга олганда, ҳаёт сугуртаси катта потенциалга эга. Унинг ижтимоий химоя хусусияти ва йирик инвестициявий манбага айланishi мумкинлигини эътиборга олганда ушбу соҳани давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-куватлаган холда ривожланишини таъминлаш зарур.